



**АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР  
БУХОРИЙ МЕРОСИ ВА УНИНГ ИЛК  
ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАМДА  
ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ-  
НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ  
ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА  
АҲАМИЯТИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**ТЎПЛАМИ**

**Бухорои шариф - 2022**



**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ТАРИХ ВА МАДАНИЙ МЕРОС ФАКУЛЬТЕТИ  
ИСЛОМ ТАРИХИ ВА МАНБАШУНОСЛИГИ, ФАЛСАФА КАФЕДРАСИ  
“ШАРҚ ТИЛЛАРИ ТАЪЛИМИ ВА БУХОРИЙЛАР МЕРОСИНИ  
ЎРГАНИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ”  
МАРКАЗИ**

**“АҲМАД ИБН ҲАФС КАБИР БУХОРИЙ МЕРОСИ  
ВА УНИНГ ИЛК ШАРҚ РЕНЕССАНСИ ҲАМДА  
ИСЛОМ ФАЛСАФАСИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ  
АСОСЛАРИ ЯРАТИШДАГИ ЎРНИ ВА  
АҲАМИЯТИ” МАВЗУСИДАГИ**

**ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН**

**ТЎПЛАМИ**

**2022 йил 16-17 июнь**

**Бухорои шариф – 2022**

وقد ساعده اطلاعه الواسع على آراء الصحابة والتابعين ، وحديث رسول الله وعنايته بالقرآن الكريم ، وليس هذا القول بالأمر المستكشف أو المستحدث بل هذه هي الحقيقة التي شهد له بها وقررها أئمة العلماء في عصره وبعد عصره .

ويوصي هذا البحث بأن يهتم الباحثون وطلاب العلم بدراسة تراجم الإمام البخاري ، والوقوف على أسلوبه في التفكير ، وطريقة استنباط الأحكام الفقهية من هذه التراجم - المصادر والمراجع

- الأربعين في فضل الدعاء والداعين ، شرف الدين، علي بن المهضّل بن علي بن مُفَرِّج بن حاتم بن حسن بن جَعْفَر المُقْدِسِيّ ، تحقيق: بدر عبد الله البدر ، الناشر: دار ابن حزم - بيروت

- تاريخ بغداد ، أبو بكر أحمد بن علي بن ثابت بن أحمد بن مهدي الخطيب البغدادي ، المحقق: الدكتور بشار عواد معروف ، دار الغرب الإسلامي - بيروت ، الطبعة: الأولى، 1422هـ - 2002 م

- التلخيص شرح الجامع الصحيح للبخاري ، النووي؛ يحيى بن شرف بن مري بن حسن الحزامي الحوراني، النووي، الشافعي، أبو زكريا، محيي الدين / المحقق: نظر محمد الفاريابي أبو قتيبة ، الطبعة الأولى 1429

- تهذيب الأسماء واللغات ، أبو زكريا محيي الدين يحيى بن شرف النووي ، دار الكتب العلمية، بيروت - لبنان

- صحيح البخاري ، مُجَدِّد بن إسماعيل البخاري ، المحقق: مُجَدِّد زهير بن ناصر الناصر ، دار طوق النجاة

الطبعة: الأولى، 1415 هـ - 1995 م

الطبعة: الأولى، 1422هـ

-طبقات الشافعية الكبرى ، تاج الدين عبد الوهاب بن تقي الدين السبكي ،المحقق: د. محمود مُجَدِّد الطناحي د. عبد الفتاح مُجَدِّد الحلو ، هجر للطباعة والنشر والتوزيع ، الطبعة: الثانية، 1413هـ

- فتح الباري شرح صحيح البخاري ، أحمد بن علي بن حجر أبو الفضل العسقلاني ، دار المعرفة - بيروت، 1379

- الفقه على المذاهب الأربعة، عبد الرحمن بن مُجَدِّد عوض الجزيري ، دار الكتب العلمية، بيروت - لبنان الطبعة: الثانية،

1424 هـ - 2003 م

- فيض الباري على صحيح البخاري مُجَدِّد أنور شاه بن معظم شاه الكشميري الهندي ثم الديوبندي (المتوفى: 1353هـ) ،

المحقق: مُجَدِّد بدر عالم الميرتقي، أستاذ الحديث بالجامعة الإسلامية بداهيل (جمع الأمالي وحررها ووضع حاشية البدر

الساري إلى فيض الباري) الناشر: دار الكتب العلمية بيروت

- كوثر المعاني الدّراري في كشف حَبَايا صَحِيحِ الْبُخَارِي ، مُحَمَّدُ الْخَضِرُ الشنقيطي ، مؤسسة الرسالة، بيروت

## “ИХЁ УЛУМИ-Д-ДИН”– ИМОМ ҒАЗЗОЛИЙ ТАЪЛИМОТИНИНГ ТОЖИ

Фируз Давронович МУЗАФФАРОВ  
БухДУ доценти, фалсафа доктори (PhD)

Имом Ғаззолийнинг “Ихёу улумид-дин” асари шунчаликка биноан ёзилган диний-ирфоний рисола-асар эмас, балки, янгидан асослаб берилган ислом, шариъат, Калом ақидавий таълимоти ва амалиётининг тамомила янги – том маънодаги янги тасаввуфнинг ахлоқий –ғоя, нишонларига асосланган тизими – Ғаззолий таълимотининг тожи бўлган эди. У нафақат диний-исломий ёки дунёвий ахлоқни, ҳатто илми-ирфоннинг ўзини ҳам тубдан янгиловчи, ислоҳ қилувчи назарий-методологик ирфоний асосни топган, яратган эди. Бу янги мақсад, нишонлар 9 та мақомларда қуйидагича креатив тарзда ифодаланган эди: “Ат-Тауба”, “Ас-Сабр”, “Аш-Шукр”, “Ал-Ҳауф”, “Ар-Ражо”, “Ал-Факр”, “Аз-Зухд”, “Ат-Таваккул”, “Ал-Маҳабба”. Бу манзилларнинг асослаб берилиши, айниқса, уларнинг беғаразлик ва холислик талаби билан қатъий шартланганлиги, Имом Ғаззолий илгари сурган мислсиз инсонпарварлик(гуманизм), ақлпарварлик (рационализм) йўли, асл юксак инсоний-ирфоний эзгу ғоя, мақсадларига – ҳақиқий инсоний бахт-саъодатга қандай эришиш мумкинлиги ифодаланганлиги кўриниб турибди!

Мутафаккир номи ҳам, қисқа муқаддимасидаги изохлар ҳам Имом Ғаззолий бу асарни ислом умматини ислоҳ қилиш лойиҳаси сифатида ёзганини кўрсатади ва “Ихё” ҳам эски, ҳам янги илмий доираларда шундай даъво билан ёзилгани умумий қабул этилган. Муаллиф асар муқаддимасида охират кашшофлари бўлиши керак бўлган уламолар шайтонга алданиб қолган расмиятчилар эканидан шикоят қилади. Сиёсатчиларнинг талабига биноан берилган фатволар ёки мазмунсиз диний фатволар ёки воизларнинг оддий одамларга таъсир этувчи риторик нутқларидан иборат ҳисоблаб халқни йўлдан оздирганликларини айтади. Ҳақиқий илмлар ва салафи-солиҳининг эргашган охират йўлининг энди унитилганлигини кўриб, “Ихёу улумид-дин” деб номланган китобни ёзиш зарур деган хулосага келганини айтади. Диққат билан назар солганда, асарда мусулмонларнинг ичига тушган диний-ахлоқий ва маданий бузилишлар, уларнинг ижтимоий-сиёсий акс-садолари ўрганилганлиги англашилади.

Мумтоз манбаларда Ғаззолийнинг “Ихё”ни ёлғизлик даврида (1095-1105) ёзгани қайд этилади. Ғаззолий ҳам санасини кўрсатмаган ҳолда асарни ўша даврда ёзганлигини қайд этади. Морис Буиг китобнинг 488-495 (1095-1101) йилар орасида ёзилганлигини қайд этади.<sup>668</sup> Тўрт жилддан иборат бўлган асарнинг ҳар бир жилдида “китоб” номи остида ўнта мавзу ёритилган. “Руббул-ибодат” деб номланган биринчи жилдида илм, ақида, поклик, намоз, закот, рўза, ҳаж, Қуръон тиловати, зикр ва дуо, вирдлар ва тунларнинг ихёси каби мавзулар баён этилган, муҳокама қилинган. Бу бўлимнинг энг муҳим хусусияти шундаки, ибодатларнинг якуний усул ва аркони ҳақида маълумот беришдан сўнг, фикҳ китобларидан фарқли равишда уларнинг ихлос, хушу каби муаллифнинг “қалбнинг амаллари” деб атаган маънавий шартлари билан ахлоқий меъёрлари хусусида ҳам фикр юритади. Бу хусусияти билан “Ихё”

---

<sup>668</sup> M. Bouyges, *Essai de chronologie des œuvres de al-Ghazali (Algazel)* (ed. M. Allard), Beyrouth 1959, s. 42.

ислом маданияти тарихида ибодат психологияси нуқтаи-назаридан алоҳида ўрин тутади. Ёб-ичиш одоби, турмуш қуриш, иқтисодий ҳаёт, ҳалол ва ҳаром, улфат, биродарлик, суҳбат ва одоб, ёлғизлик, само ва важд, амри маъруф ва наҳий мункар, пайғамбарларнинг яшаш одоблари ва ахлоқларига доир “Руббул одат” деб номланган иккинчи жилдда Ғаззолийнинг исломий оила, давлат, жамият ва иқтисодий тузумнинг назарий асосларини очиб беришга ҳаракат қилгани ва бунга катта даражада эришганлиги кўринади. Ушбу моделда асосий элемент оилавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳо казо алоқалари билан боғлиқ. Диний ва ахлоқий билимлари, онги, сезгилари, муносабатларига нисбатан масъулият ҳисси ривожланган индивидлар эканлиги кўринади. Бу камолотга эришган шахсларнинг қўлидаги дунё ҳаёти нафақат гўзал бўлади, балки бу ҳаёт охират саодатига ҳам тайёрлайдиган бўлади.

“Руббул муҳликот” номли учинчи жилдда инсоннинг маънавий-ахлоқий жиҳатлари, қалб тарбияси, овқатланиш ва шахвоний нафсларни назорат қилиш, тил офатлари, ғазаб, гина ва ҳасад, дунёнинг маъноси ва аҳамияти, зикналик ва мулкка бўлган иштиёқ, мансабга иштиёқ ва риё, кибр, манманлик ва ғурур мавзулари муҳокама қилинган. Ғаззолий бу мавзулар билан шуғулланар экан, ахлоқий-тасаввуфий адабиётлардан кенг фойдаланиш билан биргаликда охириги даражадаги аниқ психологик ва педагогик таҳлиллари билан ўзидан олдингилардан ўзиб кетади. Ғаззолий, ўз таъбири билан айтганда, бу ахлоқий касалликларнинг психологик ва ижтимоий сабабларини, даъволаш йўллари кўрсатар экан, барча даражадаги кишиларни ўз ичига назар солишга йўналтиради, уни ўз руҳини танишга, ахлоқий онг ва иродасини фаоллаштиришга ундайди. Ушбу жилднинг “Заммул-жаҳ вар-риё” бўлимида инсондаги мансабга бўлган иштиёқнинг психологик асосларини таҳлил қилар экан илгари сурилган инсон тасавури фалсафий антропология нуқтаи-назаридан аҳамиятлидир. Қолаверса ушбу жилднинг охирида “Заммул ғурур” сарлавҳаси остида даврдаги ислом жамияти билан боғлиқ равишда реалист ва фойдали бир диндорлик танқиди амалга оширилган. “Руббул мунжиёт” деб номланган охириги бўлимда эса тавба, сабр ва шукр, хавф ва ражо, факрлик ва зуҳд, тавҳид ва таваккул, муҳаббат, шавқ, унс ва ризо, ният, ихлос, ва сидқ; мууроқаба ва муҳосаба, тафаккур, ўлим ва охират ҳаёти мавзулари таҳлил қилинган. Бироқ, бу сарлавҳалар остида тор маънодаги тасаввуфий-ахлоқий қарашлар ўртага қўйиш билан чекинилмаган, мавзунинг хусусиятига кўра, нозик фикрий ва фалсафий таҳлиллар қилинган. Масалан, ўрни келганда ирода ва озодлик муаммоси зиммасига юклатилган қарашлар муаллифнинг фалсафий, каломий ва тасаввуфий хулосалари билан бир қаторда унинг шахсиятининг бир маҳсули ҳисобланади.

“Ихёу улумид-дин”нинг асосий бўлимларида мавзуга оид оят ва ҳадислар изоҳсиз санаб ўтилади. Кейин Хулофаи Рашиддин ва Абдуллоҳ ибн Масъуд, Солмони Форсий, Абу Сулаймон Дороний, Абу Дардо, Абу Зар ал-Ғифорий, Ҳасан Басрий, Сўфён ас-Саврий каби зоҳидлик ва тақвоси билан машҳур бўлган саҳобалар ва табеин олимлари Жунайд Бағдодий, Зуннун Мисрий, Боязид Бистомий, Фузайл бин Иёз, Яҳё бин Муоз каби илк давр сўфийларининг

сўзлари келтирилган. Абдуллоҳ бин Муборак, Хорис Муҳосибий, Абу Толиб Маккий, Абдулкарим Қушайрий каби сўфийларнинг асарлари тасаввуфга оид “Ихё”нинг асосий манбаларидир. Ғаззолий уларнинг номларини тилга олиш билан бир қаторда, “Ихвон ус-Сафо” рисоаларидан ва Абу Ҳайём ат-Тавҳидий, Ибн Сино, Ибн Мискавайх каби файласуфларнинг асарларидан ҳам баҳраманд бўлган. Шунингдек, номини ёзмаган бўлсада, энг кўп фойдаланган асарларидан бири Ал-Исфажонийнинг “Аз-Зариа ила макоримиш-шариа” номли ахлоқ китобидир. Муқаддимада муаллифнинг ҳам нақлий, ҳам ақлий-мантикий далилларга асосланишига оид ваъдасига кўра, асарда деярли ҳар бир мавзунинг мазмуни ва аҳамияти билан боғлиқ нақлларнинг ортидан кўпинча (хусусан, III ва IV жилдларида) “Баёну ҳақиқати...” сарлавҳаси остида мавзунинг асоси ва моҳияти ҳақида муваффақиятли аниқлашлар, изоҳлар, нозик таҳлиллар ва исботлар қилинади. Ғаззолийнинг фикрий ва фалсафий ёндашувини, уфқининг кенглигини ва даҳосининг акс этиши нуқтаи-назаридан диққатни тортган бу таҳлиллар “Ихё”нинг ўша кунга қадар ёзилган тасаввуф, ахлоқ ва баъзи жиҳатлардан фалсафа адабиётидан ошиб ўтганлигини далиллайдиган хусусиятдир.

Имом Ғаззолий асарларининг Ғарб оламида танилишини таъминлаган Раимундо Мартини 1256-1257 йиллар орасида ёзган “*Explanatio symboli apostolorum*” асарида “Ихё”га ишора қилади.<sup>669</sup> Мартинийнинг Ғаззолийга нисбат қилган *De Penitentia* (тавба ҳақида), *Probatorium* (далил) va *Epistole ad Amicum* (муҳаббат ҳақида) номли асарлари эҳтимол “Ихё”нинг тегишли қисмларидир. Мартини билан бир вақтда яшаган Сурёний-якубий руҳоний Абу Фараж Ибнул-Ибрий фазилят, разолат ва руҳий покланиш каби ахлоқий мавзуларга бағишланган асарларида “Ихё”дан иқтибослар келтирган.<sup>670</sup> Мигел Асин Паласиос ҳам худди шу муаллифнинг “Ихё”дан мисоллар, афоризмлар ва шерълар келтирганини таъкидлаган.<sup>671</sup>

Илмий доираларда бу асар Шимолий Шозелия, Ямандаги Аудеруссия тариқатлари аъзоларига катта таъсир кўрсатгани айтилади. Муҳиббий ривоят қилади: “Ихё”нинг баъзи қисмларини бу ҳудудда вирд деб ўқийдиганлар бор. Бошқа томондан, ҳанбалий фақиҳларининг бу асарни қаттиқ танқид қилишлари кўринади. Ғаззолий тириклигида Андалусияда Ихёнинг ёқиб юборилишига фатволар чиқарилган ва бу қоидага кўра, Мурабиттун ҳукмдори Али бин Юсуф бин Ташфин ўз мамлакатада бир муддат асарнинг мамлакат ҳудудида ўқилишини таъқиқлаган. Ғаззолийнинг замондошлари Қоди Йёз, Ибн Абу Рандақа ат-Туртиший ва Абу Бакр Ибнул-Арабий асарни биринчи бўлиб танқид қилганлар.

ЮНЕСКО илм-фан, маданият кўмитаси ташаббуси, ҳомийлигида 1962 йилда Дамашқда ўтказилган Имом Ғаззолийнинг 600 йиллик таваллуд кунига

<sup>669</sup> M.T. d'Alverny. “Al-Ghazzali dans l'occident lati”, Un tirait d'unionentre l'orient et l'occident: Al-Ghaazali et ibn Maimoun, Agadir 1985, s. 131-132.

<sup>670</sup> Asin Palacios, “Contacts de la spritualité musulmane et de la spritualité chrétienne”, L'Islam et l'occident, Paris 1947, s. 71.

<sup>671</sup> Ўша асар. – Б. 71.

бағишланган нуфузли халқаро анжуманда бу буюк мутафккимиз дунёқараши, ғоялари, қарашлари, фаолияти, меъросига илк бор жиддий, ҳозирги замон исломшунослиги, шарқшунослиги, илм-фан тарихчилиги ғоя, принциплари асосида ёндашилганлиги, етакчи мавқеъ қозонганлиги билан диққатга сазовор бўлган эди. Мазкур сессия ишида энг забардаст Ғарбий Европа, Ўрта ва Яқин Шарқ мусулмон олимларидан 36 та хос маърузалар муҳокама учун тақдим этилган, муҳокамалар жуда юксак савияда, қизгин тарзда бориб, салмоқли илмий хулосаларга келинган эди. Бу тез орада Висс-Баодендаги Ислом қомуси маркази томонидан Профессор М.М.Шариф бошчилигидаги нуфузли ҳайъат томонидан, эндиликда ўзи ҳам муҳим манбаа аҳамиятини касб этган “A History of Muslim Philosophy” <sup>672</sup>(1963) китобининг нашр этилишига олиб келди. Бундан бир йил олдин Профессор М.Умаруддиннинг “The Ethical Philosophy of Al-Gazzali” (1962) нашр этилган эди. Ана шу маърузалар орасида Имом Ғаззолийнинг фан тараққиётига оид қарашларига бағишланганлари ҳам анчагина эди.

Дамашқда бўлиб ўтган халқаро анжуманнинг энг катта, оламшумул хулосаси Имом Ғаззолийнинг ислом, шариат илм-фани, фалсафасини “Тирилтирувчи – унга янгидан ҳаёт бағишловчи бўлганлиги” асосий ҳужжат “Ҳужжат-ул-ислом” даражасига эришганлиги яна бир бор таъкидланибгина қолмасдан, М.М.Шариф етакчилигидаги умумлаштирувчи қомусий китобда, унинг ғоялари, меъроси ва дунёқараши ҳозирги замон тараққиётига ҳамоҳанг, уйғунлиги кўрсатилиб, у таклиф этган ғоя, йўл “ўрта йўл”нинг тўғри эканлиги ҳақидаги асосий, креатив хулоса ҳам илгари сурилиб, бу кайҳоний мутафаккимиз ҳаёт йўли, фаолияти, диний-фалсафий, тасаввуфий-ирфоний дунёқараши, ғоя, орзу-умидлари, нишонлари мумтоз ўрта аср араб-мусулмон илм-фани, фалсафаси, диний-ирфоний тафаккури тараққиётининг энг йирик вакили эканлиги асослаб берилган эди.

Ҳолбуки Имом Ғаззолий ўз ватани Эронда, араб-мусулмон мамлакатларида, бизнинг Марказий Осиё, анъанавий Туркистон миқёсида доимо кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, ўрганиб келинганлигини шундан ҳам (мажозий маънода) билса бўладик, Имом Ғаззолий келмаган, қадам босмаган минтақамизда унинг “муқаддас мазори” (Бухоро, Самарқандда) борлиги, унга зиёратчилар қадами узилмай келганлиги, ҳамда унинг “Ихёу улумид-дин” дан тортиб, “Кимийи саодат” каби асарларигача шарҳ, хошиялари, таржималари (Шарқий Туркистонда) уйғур тилидаки “Кимийи саодат” таржимаси ва 1904 йилда Тошкентда ҳозирги ўзбек тилидаги литографик таржимаси нашри назарда тутилмоқда) тузилиб, ўрганилиб келинган. Бундан ташқари биргина Бухоро Давлат бадий меъморчилик музей кўриқхонаси ҳужжатлар ва фонотека фондида “Кимийи саодат”нинг 27805/11 – рақам остида 517-саҳифадан иборат; 28318/11 – рақам остида 364-саҳифадан иборат; 24968/11 – рақам остида 197-саҳифадан иборатфорс тилидаги учта қўлёзма нусхаси,

---

<sup>672</sup> A History of Muslim Philosophy With short accounts of other Disciplines and the Modern Renaissance in the Muslim Lands Edited and Introduced by M. M. SHARIF Director of the Institute of Islamic Culture, Lahore Pakistan Published by Pakistan Philosophical Congress. 1963. P. 804.



шунингдек, 30471/11 – рақам остида 571-саҳифали; 2762-рақам остида 886-саҳифадан иборат тошбосма нусхалари мавжудлиги, “Ихёу улумид-дин”нинг эса 28191/11-рақам остида 240 саҳифадан иборат араб тилидаги қўлёзмаларнинг мавжудлиги, Бухоро вилояти Абу Али ибн Сино номидаги ахборот кутубхона маркази Шарқ қўлёзмалар фондида эса “Ихёу улумид-дин”нинг араб тилидаги 1039-саҳифадан иборат қўлёзмаси 462-рақам остида, “Кимийи саодат”нинг форс тилидаги 571-саҳифадан иборат қўлёзма нусхаси 527-рақам остида сақланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, Имом Ғаззолий фавқулотда моҳиятий ички ва ташқи юксак балоғатлилик, чуқур қатъий ирода, онлилик барқ уриб турган шахсият сифатида ўзининг “Ихёу улумид-дин” асарида салафлар эътиқод, анъаналарининг софлиги, уларни асраб-авайлаш, ислом, шариатга, унинг давлати, Уммасига янгидан фаоллик, ўзига ишонч, қатъий иродалик руҳини бериш – “Уларни қайтадан тирилтириш”, уларга янгитдан жўшқин ҳаёт бахш этиш учун жон-жаҳди билан ўзини бағишлаган. Аллома “Ихёу улумид-дин” асарида соғлом расмий ислом, шариатни сақлаш, поклашга, Каломни фаоллаштиришга, бунда тасаввуф ғоя, амалиётидан самарали фойдаланди. Ғаззолий ўзининг бу фавқулотда тарихий уриниши ўзига хос “маънавий-мафкуравий инқилоб қилиш” (саҳихлаштириш ва ҳидоят йўлига олиб чиқишга) уринишида катта маънода ҳаққ эди ва шу маънода Ғаззолий шоҳ асарлари, илғор ғоялари жаҳоншумул машҳур, инсоният ақл-зақосининг нодир, ноёб наъмуналари бўлиб қолди.

## **АБУ ХАФС АЛ-КАБИР АЛ-БУХАРИ И БУХАРСКАЯ ШКОЛА ИСЛАМСКОЙ ЮРИСПРУДЕНЦИИ**

**Аширбек Курбанович МУМИНОВ<sup>673</sup>**

**доктор исторических наук, Исследовательский центр по исламской  
истории, искусству и культуре (ИРСИКА), советник генерального  
директора по программам**

### **Вступление**

Абу Хафс Ахмад ибн Хафс ибн аз-Забуркан ал-‘Иджли ал-Бухари (ум. в 217/832 г.) известен как основоположник ханафитских традиций в Бухаре. Его биография излагается большей частью по данным относительно поздних источников. Однако сохраняются возможности углубиться в более ранние источники, которые могут значительно конкретизировать биографию и научные заслуги этой личности.

### **Его место в цепи преемственности ханафитского учения**

Феноменально, что все ‘улама’-ханафиты, жившие в Сирии, Египте, Малой Азии (затем и во всей Османской империи) начиная с постфатимидской и постсельджукидской эпохи, возводят свою цепь (*иснад*, ‘ан’ана) к Абу Ханифе

---

<sup>673</sup> Статья написана в рамках выполнения проекта «Перевод новых источников и исследование этнополитической истории Золотой орды».



|                                                                             |                                                                                                                                                                                    |
|-----------------------------------------------------------------------------|------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|
|                                                                             | муҳит барқарорлигини таъминлаш орқали инсон қадрини оширишга эришиш                                                                                                                |
| Равшанова Г.М.                                                              | Ёшлар онгида умуминсоний қадриятларни шакллантиришда замонавий таълим-тарбия ва ахборот технологияларнинг ўрни.....                                                                |
| Дехқонов Б.Б.                                                               | Тасаввуф таълимотининг инсонда бағрикенгликни шакллантиришда тутган ўрни                                                                                                           |
| Шарифова Г.Х.<br>Izzatullayeva G.N.                                         | Духовный мир Джалаладдина Руми.....<br>Abu Ali Ibn Sina's Philosophical Views As Heritage Of The World                                                                             |
| Urazmetov M.T.                                                              | The Religious-Philosophical Concept Of Suleyman Bakirgani                                                                                                                          |
| Тураев Б.О.                                                                 | Маънавий меросни ўрганишда синергетик методологиянинг ўрни<br><i>Тураев Бахтиёр Оманович</i>                                                                                       |
| Шарипов А.З.                                                                | Янги Ўзбекистон: мамлакатнинг маънавий қиёфасини шакллантириш ва маърифий жамият барпо этишнинг ижтимоий-фалсафий хусусиятларига доир мулоҳазалар.....                             |
| Қўшшаева Н.М.<br>Шокиров М.Р.                                               | Мухаммад Назар Болтаев<br>Тарихий тадқиқотларда тарихийлик ва мантикийлик методларининг аҳамияти.....                                                                              |
| Музаффаров Ф.Д.                                                             | “Ихё улумид-д-дин”–Имом Ғаззолий таълимотининг тожи                                                                                                                                |
| Муминов А.К.                                                                | Абу Ҳафс ал-Кабир ал-Бухари и Бухарская школа исламской юриспруденции                                                                                                              |
| Юнусова Г.С.,<br>Истамова Г. Х.<br>Rakhimova M.B.                           | Орифа аёллар тавсифи Ҳазрат Навоий талқинида<br>Characteristics of liver (Properties, functions) and maintaining of a healthy life                                                 |
| Исақова З.Р.<br>Rajabov A.                                                  | Шайх Аҳмад Кабир – ўн бир Аҳмаднинг бири<br>Musiqao`qituvchilarini tayyorlash jarayonida dirijorlik fanining maqsad va vazifalari yoshlar hayotida ma`naviyatning tutgan o`rni     |
| Raxmatov F                                                                  | Масофавий таълимда ўқиш ва ўқитиш амалиёти                                                                                                                                         |
| Рашидова М.К.<br>Умарова К<br>O'razov B.B.<br>Tosheva O. K.<br>Temirov I.Q. | Илмлар хазинасини очган буюк аждодларимиз мероси<br>Tasavvuf va Bahouddin Naqshband ilmiy me'rosini o'rganish<br>Abu Iso Termiziyning “Sunani Termiziy” asarining oidagi ahamiyati |
| Umarova S.M.                                                                | Muhammad Avfiy Buxoriy hikoyatlaridagi pedagogik g'oyalarning mohiyati                                                                                                             |